

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 18+821.512.133 (092)

АЙМАТОВ АМИНЖОН ҚУДРАТОВИЧ

**АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ЭСТЕТИКАСИНИНГ ҒОЯВИЙ-
БАДИИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Эстетика

**Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим
этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Иш Самарқанд давлат университети Фалсафа кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори, профессор
Яхшиликов Жўрабой Яхшиликович

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори, профессор
Шайхова Хотима Омиловна
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Хусанов Баходир Эргашевич

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси 2011 йил _____ ойининг «___» кун
соат___да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М. Мўминов номидаги
Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди)
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.067.02.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида
ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети, 215-хона.

Диссертация билан ЎЗР ФАнинг Асосий кутубхонасида танишиш
мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2011 йил _____ “___” да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган тақриزلарингизни тамғали муҳр билан
тасдиқланган ҳолда Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котибига
(Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети 319-хона)
юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
фалсафа фанлари доктори**

Ш.О. Мадаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий-эстетик кадриятлар ва маънавий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Чунки, кадрият ва тарихий мерос миллат маънавиятини юксалтирувчи муҳим мезон ҳисобланади. Чунончи, халқимизнинг фалсафий-эстетик тафаккур тараққиётини белгилаган мутафаккирларнинг қарашлари ва таълимотлари ҳам ана шу мезоннинг таркибий қисмидир. Зеро Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Чиндан ҳам тарихимизнинг қайси даврини олмайлик юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини халқимиз даҳосининг ўчмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин. Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исоқхон Иброт, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар фидоий инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-ҳаловатидан кечиб эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди»¹.

Мазкур фикр барча тадқиқотлар қатори эстетика илмида ҳам аждоқларимиз маънавий, маърифий меросини илмий ўрганишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг долзарблигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг маънавий юксалиш йўлидаги имкониятларни кенгайтириш, жамиятда маърифатпарвар зиёлиларнинг, хусусан, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодини ўрганиш муҳим ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик аҳамият касб этади. Чунки, унинг қарашларида озодлик, истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби юксак ахлоқий-эстетик ғояларни фақат адабиётшунослик нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш Чўлпоннинг маънавий оламини тўлақонли ёритиш имконини бермайди.

Иккинчидан, Шўролар даврида Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Элбек, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқа шу каби маърифатчи-жадидларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ўрганилган. Бироқ, тадқиқотларнинг аксариятида улар миллатчилик, пантуркчилик ғоялар “тарғиботчиси” сифатида бадиий ижод жараёнидан ажратиб ташланди. Бу ҳолат пировардида жадид-маърифатчиларининг илмий меросига нисбатан бир томонлама салбий муносабатнинг шаклланишига олиб келди.

Учинчидан, Чўлпон ўтган асрнинг бошларида ўзбек совет адабиётида биринчилардан бўлиб, бармоқ вазнида жозибали шеърлар, қўшиқлар яратган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -49 б.

бадий сўз устаси ҳисобланади. Бироқ, унинг ижодини фақат поэзия билан чегаралаш мумкин эмас. У бир вақтнинг ўзида ҳам шоир, ҳам драматург, ҳам санъатшунос, ҳам адабиётшунос ҳамда зукко танқидчи сифатида ҳам ижод қилди. Шу маънода бугунги маънавий янгиланиш жараёни Абдулҳамид Чўлпоннинг ғоявий-бадий ижодини фалсафий-эстетик контекста ўрганишни тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий асослари халқни маърифатли қилиш, бадий дунёқарашини бойитиш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш каби эстетик тамойилларга таянади ва буларни инсон камолоти, халқ ҳаёти ва жамият маънавий юксалишидан айри холда тасаввур этиш мумкин эмас.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Чўлпоннинг илмий-бадий ижодини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг аксарияти филологлар ва адабиётшуносларга тегишли. Эътироф этиш керакки, улар Чўлпонни ўрганиш ва англаш борасида адабиёт илмида катта ишларни амалга оширдилар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Абдулҳамид Чўлпон илмий-бадий меросининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бадий асарлари (поэзияси)нинг адабий талқини масалаларига доир аксарият тадқиқотлар адабиётшунос ва филолог олимларнинг илмий изланишлари натижасидир. Шунга кўра, шоир ижодий меросини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни қуйидаги тартибда туркумлаш мумкин:

Биринчи туркумга – Чўлпон ижод этган даврдаги ижтимоий муҳит, ижодини шаклланиши ва халқ маънавий меросидаги ўрни масалаларига бағишланган ишлар. Бу борада О.Шарафиддинов¹, С.Мамажонов², Н.Каримов³, Б.Қосимов⁴, Ш.Ризаев⁵, Д.Қуროнов⁶, Ш.Турдиев⁷, Н.Владимирова⁸, М.Раҳмонов каби адабиётшунос олимларнинг ишларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

¹ Шарафиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. -Тошкент: Чўлпон, 1991; Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. -Тошкент: Ёзувчи, 1994; Шарафиддинов О. Чўлпон таржимон // Гулистон. -Тошкент, 1990. -№2; Шарафиддинов О. Қўнгилда қолгуси унинг бир изи // Шарқ юлдузи. -Тошкент, 1990, -№3; Шарафиддинов О. "Қулган бошқалардир, йиғлаган менман." Чўлпон таржимаи ҳолида дастлабки чизгилар. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.

² Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. -Тошкент: Ёзувчи, 1997; Мамажонов С. Чўлпоннинг насрий ижоди // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1991. -№6; Мамажонов С. Чўлпоннинг насрий ва драматургик ижоди. Чўлпоннинг бадий олами. -Тошкент: нашриёт, 1994; Мамажонов С. Чўлпон ва театр // Нафосат. -Тошкент, 1992. -№2.

³ Каримов Н. Чўлпон. -Тошкент: Фан, 1991; Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. -Тошкент: Маънавият, 2000; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2008; Каримов Н. Жадидчилик нима? // Санъат. -Тошкент, 1990. -№2.

⁴ Қосимов Б. Истиқлол фидоийлари. Чўлпон. -Тошкент: Шарқ, 1999; Қосимов Б. Миллий уйғониш адабиёти. -Тошкент: Шарқ, 2004; Қосимов Б., Долимов У. Маърифат манзиллари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

⁵ Ризаев Ш. Жадид драмаси. -Тошкент: Шарқ, 1997; Ризаев Ш. Маърифатпарварликдан – маърифатчиликка // Тафаккур. -Тошкент, 1998. -№4.

⁶ Қуროнов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. -Тошкент: Ўқитувчи 1997; Қуროнов Д. Чўлпон насри поэтикаси. -Тошкент: Шарқ, 2004.

⁷ Турдиев Ш. Тонг юлдузи қисмати. Чўлпон меросини ўрганиш тарихидан // Ёшлик. -Тошкент, 1991. -№7; Турдиев Ш. Чўлпон ва адабий алоқалар. Чўлпоннинг бадий олами. -Тошкент: нашриёт, 1994.

⁸ Владимирова Н. Клеопатра Чўлпон талқинида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1992. -№2; Владимирова Н. Чўлпон ҳикоянавис. Чўлпоннинг бадий олами. -Тошкент: нашриёт, 1994.

Иккинчи туркум – Чўлпоннинг публицистик асарлари, унинг поэзиясида бадий образлар талқини ҳамда пейзаж масалалари ўрганилган илмий тадқиқотлар. Булар сирасига Д.С.Неъматова¹, М.М.Йўлдошев², С.С.Йўлдошбекова³ ҳамда А.А.Жалолов⁴ларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин

Учинчи туркум – жадиличлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий ҳамда ахлоқий моҳияти ва унда Абдулҳамид Чўлпон ижодининг ўрни масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар. Бу тадқиқотлар Г.Т.Маҳмудова⁵, Ш.О.Мадаева⁶, М.Қ.Нурматова⁷, Б.М.Очилова⁸, Л.А.Мухаммаджонова⁹ каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мазкур тадқиқотлар Чўлпон ижодининг илмий-бадий асослари ҳамда маърифатпарварлик ғояларининг ижтимоий адабий талқини билан боғлиқ янги маълумотларни тақдим этади. Бироқ, Чўлпон ижодининг фалсафий-эстетик хусусиятлари ва устувор тамойиллари тўлақонли баён этилмаган. Диссертацияда ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилинган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети “Миллий ғоя, фалсафа ва фан методологияси” кафедрасининг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг объектив ва субъектив омиллари” ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Этика ва эстетика кафедрасининг “Эстетика назарияси ва тарихи масалалари” номли илмий тадқиқотлар дастури доирасига киради.

¹ Неъматова Д.С. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Дис ... филол.фан.ном. –Тошкент: ЎзМУ, 2004.

² Йўлдошев Н. Чўлпон поэзиясида куз образи // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1993. -№4; Йўлдошев Н. Чўлпон ва Мағжон // Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. –Тошкент, 1994; Йўлдошев Н. Чўлпоннинг рамзий лирикасига доир чизгилар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1994, -№ 1-2; Йўлдошев Н. Чўлпон талқинида Шарқ // Гулистон. –Тошкент, 1993. -№8-9; Йўлдошев Н. Чўлпон шеърисида пейзаж. Дис ... филол. фан. ном. –Тошкент, Тил ва адабиёт институти, 1994. Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида). Фил. фан. н-ди. дисс. –Тошкент: 2000.

³ Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳарририят фаолияти. Автореф. дис. ... фил. фан. ном. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 30 б; Йўлдошбекова С.С. Чўлпон публицистикасининг тили // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2002. -№ 3.

⁴ Жалолов А.А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни (XX аср охири ва XX аср бошлари). Автореф. дис ... филол. фан. докт. –Тошкент: ТошДУ, 1994. – 40 б.

⁵ Маҳмудова Г.Т. Туркистонда жадиличлик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири: Дис фалс. фан. ном. –Тошкент: И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996. -136 б; Маҳмудова Г. Жадиличизм ва Туркистонда ахлоқий-эстетик фикр тараққиёти. –Тошкент: “DAVR PRESS”, 2006; Маҳмудова Г. Чўлпон ижодининг эстетик асослари // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари / ЎзРФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1998. –Б. 187.190.

⁶ Мадаева Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари: Автореф. дис. ... фалс. фан. ном. – Тошкент: ЎзРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1996. -27 б.

⁷ Нурматова М.Қ. XVIII-XIX асрларда Ўзбекистонда эстетик тафаккур тараққиёти (Ўзбек мумтоз шоирлари ижоди мисолида). Дис ... фалс. фан. ном. –Тошкент: ЎзРФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1994. -148 б.

⁸ Очилова Б.М. Аждодлар меросига ихлосмандлик ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти. Автореф. дис. ... фал. фан. докт. –Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 44 б.

⁹ Мухаммаджонова Л.А. Жадилич маърифатпарвар шоирлари – Анбар Отин ва Дилшод Барнонинг ижтимоий-ижтимоий-ахлоқий қарашлари: Автореф. дис. ... фал.фан.ном. –Тошкент: ЎзМУ, 2005.

Тадқиқот мақсади. - Абдулҳамид Чўлпон ижодининг эстетик тафаккурни шакллантиришдаги аҳамияти ҳамда ғоявий-бадний асосларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- тарихий манбалар ва расмий ҳужжатлар асосида Чўлпоннинг илмий ижод йўлини объектив ёритиб бериш;
- Чўлпон дунёқарашининг шаклланишидаги эстетик омилларни таҳлил қилиш;
- жаҳид-маърифатчилик ҳаракатининг эстетик асосларини Чўлпон бадний ижоди орқали ижоди орқали кўрсатиб бериш;
- Чўлпон ижодидаги ғоявий-бадний асосларнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;
- бадний-эстетик рамз ҳамда бадний-эстетик идеал тушунчаларининг Чўлпон ижодида тутган ўрнини фалсафа қонуниятларига таянган ҳолда ўрганиш;
- Чўлпон ижодининг халқимиз маънавий-эстетик тараққиётидаги аҳамиятини фактик маълумотлар асосида кўрсатиб бериш;
- бунёдкорлик ва яратувчанлик ғояларининг Чўлпон бадний-эстетик дунёқарашидаги ўрнини илмий жиҳатдан ёритиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объектини - Абдулҳамид Чўлпон ижодий фаолиятидаги эстетик тамойиллар ва ғоялар, тадқиқотнинг предметини - Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадний асосларини белгиловчи асосий омиллар ташкил этади.

Тадқиқот методлари – диалектиканинг тарихийлик ва мантиқийлик, объективлик ва қиёсий таҳлил, конкретлик ва умумлаштириш, кузатиш ва илмий билиш методларидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий фарази шундан иборатки, жаҳид маърифатчилигининг намоёндаси Чўлпон томонидан яратилган юксак ғоявий-бадний асарларни эстетик контекстда ўрганишнинг илмий-назарий асослари яратилади. Бу эса ўз навбатида, миллий маънавий тараққиётнинг эстетик асослари орқали шахс камолотини юксалтириш имкониятини яратади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Чўлпон эстетикасининг тафаккур эркинлигини шакллантиришдаги аҳамияти ва бадний –эстетик асосларини фалсафий жиҳатлари;
- Чўлпон эстетикасининг жамият маънавий янгиланиши жараёнларидаги ўрни масалалари;
- миллий эстетик тафаккур тарихида Чўлпон дунёқарашининг ўрни ва унинг умуминсоний тамойиллар билан узвийлиги;
- Чўлпон ижодининг назарий-фалсафий моҳиятини белгиловчи индивидуал услуб ва бадний образ яратиш маҳоратининг тавсифлари;
- миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришда Чўлпон эстетикасининг ғоявий-тарбиявий аҳамияти.

Илмий янгиллиги:

- Абдулхамид Чўлпон эстетикасининг миллий ва умумбашарий аҳамиятига янгича ёндошувлар илмий таҳлил этилган;
- шеър санъатида бадиий образ яратишнинг эстетик хусусиятларини Чўлпон ижодидаги романтик тасвир маҳорати ёритилган;
- адиб ижодида акс этган Шарқ ва Ғарб маънавий ҳаёти билан боғлиқ ғоявий-эстетик тамойиллар кўрсатиб ўтилган;
- Абдулхамид Чўлпон ғоявий қарашларининг эстетик мазмуни юксак бадиийлик намунаси эканлиги тавсифланган;
- адабиёт ва санъатнинг уйғун ривожланиши маънавий тараққиёт мезони эканлигини Чўлпон ижоди орқали асослашга ҳаракат қилинган;
- гўзалликнинг фалсафий-эстетик ҳамда ғоявий-бадиий моҳиятини Чўлпон ижодидаги инъикоси қиёсий таҳлиллар асосида ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосалар Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги мавжуд материалларни илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириб ҳамда уларни эстетик тамойиллар асосида бойитиб боришга хизмат қилишида намоён бўлади. Диссертацияда ўрганилган масалаларнинг ечимларидан миллий тикланиш ва маънавий янгиланиш жараёнларни эстетик жиҳатдан тадқиқ этишда ижодий фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият Кенгашининг жойлардаги бўлимлари, маънавий меросни тарғиб қилувчи жамоат ташкилотлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда, талабалар учун уюштирилаётган мулоқот, давра суҳбатлари, ижодий учрашувларда ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган умумий хулосалардан Самарқанд Давлат университети талабаларига “Эстетика”, “Истиқлол эстетикасининг ижтимоий моҳияти”, “Фалсафа”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Этика”, “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик каби фанлардан маърузалар ўтиш ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланилган. Шунингдек, тадқиқотнинг асосий ғоялари муаллифнинг республика илмий конференцияларида қилган маърузаларида ўз аксини топган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация Самарқанд Давлат университети “Миллий ғоя, фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида бажарилган ва 2009 йил 10-декабр (Баённома №5) даги йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари диссертантнинг 5 та ОАК томонидан тавсия этилган журналларда, 5 та

республика конференция материалларида чоп этилган мақолаларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот “Кириш”, олти та параграфни ўз ичига олган уч боб, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Умумий матн ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, синовлардан ўтганлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг “Абдулҳамид Чўлпон ижодини ўрганишнинг назарий-методологик ва бадиий-эстетик асослари” деб номланган биринчи бобида Чўлпон бадиий ижоди ҳамда эстетик қарашларининг шаклланишидаги омиллар ва манбалар таҳлил қилинган. Бобнинг “Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг назарий-ғоявий асослари” деб номланган биринчи параграфида шоирнинг ижодий фаолияти ҳақидаги қарашлар қиёсий ўрганилган.

Муаллиф Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳаётига доир фактик маълумотларни келтириб, унинг «Чўлпон», «Қаландар», «Мирзақаландар», «Андижонлик» каби таҳаллуслар билан ижод қилганлигини таъкидлайди. Айниқса, Чўлпоннинг туғилган йили билан боғлиқ бахсларга ойдинлик киритиш мақсадида адабиётшунос олим Озод Шарофиддинов тадқиқотларига асосланади ва бу борада Чўлпоннинг синглиси Фоика Сулаймон қизининг ўғли Ў.Мирзахўжаевнинг «Онамизнинг гувоҳлик беришича, акаси Чўлпон 1898 йилда туғилган, унинг йили сак - ит бўлган. Андижон зилзиласи пайтида (1902 йил), деб эслайди онамиз, – тоғанг тўрт яшар бола экан. Аммо ҳужжатларда нечанчи йил деб ёзилгани менга маълум эмас» деган фикрини келтиради.¹

Тадқиқотда адибнинг дастлабки саводи эски мактабда чиққанлиги, у яшаган даврда Туркистонда рус-тузем мактаблари очила бошлаган ва унда дунёвий илмлар ҳақида маълумотлар берилганлиги учун маҳаллий халқ вакиллариининг тушунган оилалари ўз фарзандларининг истиқболини ўйлаб ана шундай мактабга эътиборларини қаратганлиги ҳақида мулоҳазалар баён этилган. Чунончи, рус-тузем мактабида рус тили ва дунёвий фанларга қизиқиб қолган Чўлпон ўз билимини давом эттириш ниятида Тошкентга келиб ўқийди. Унинг ёшлик, айтиш мумкин, илмга чанқоқ даврида рус тили билан баробар араб, форс-тожик, туркий тиллардан саводини ошириш иштиёқи кучли бўлди. Бундай кўптиллилиқ Чўлпонга бадиий асарларни аслиятда ўқиш ва мутолаа қилиш имконини берди. Тадқиқотчи бу борада М. Муҳаммаджоновнинг “Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб турар эди², - деган фикрини қайд этади. Бундан ташқари, С.Мамажонов томонидан Чўлпоннинг Р.Тагор ҳақида мақола ёзиш жараёнида инглизча Қомуслар билан ҳам танишгани ҳақидаги келтирган ҳужжатларни таҳлил қилиб,

¹ Қаранг: Шарофиддинов Озод. Ижодни англаш бахти. –Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акционерлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 204 б.

² Муҳаммаджонов М.. Турмуш уринишлари. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1964. – 130 б.

“Чўлпоннинг инглизчани биров тушунганини ёки дўстлари ёрдамида инглиз нашрларидан материал кидирганидан далолат беради»¹, деган хулосасини асослайди. Кейинчалик Чўлпоннинг тил билишини ҳам таъна қилишганида у ёзувчилар уюшмасида сўзлаган нутқларининг бирида: “Мен классик асарларни кўп ўқийман. Форс шоирларининг энг гўзал нарсаларини ёзиб олганман. Шунинг баъзи бир жойларини ўқиб бераман. Агар шу зарарли бўлса мен буни бўйнимга оламан. Мен Ҳофиз ва бошқа шоирларнинг асарларидан ўқийман², - деган асосини ҳам келтириб ўтади.

Тадқиқотда Чўлпон ижодининг шаклланиши билан боғлиқ жиҳатлар илмий ўрганилгани ҳолда унинг таржимаи ҳоли, адабий ва жамоатчилик фаолияти, шахсига доир материаллар мустақилликдан кейин тўплана бошланганлиги қайд этилади. Чўлпонни кўрган ва у билан мулоқотда бўлган кишилар шоир характери, маънавий қиёфаси ва шахсига хос хусусиятларида етакчилик қилган белгиларни баён этишган. Жумладан, композитор Мутаваккил Бурҳоновнинг хотиралари Чўлпон қиёфасини кўз олдимизда жонли гавдалантиришда муҳим асос бўлиши таъкидланади. Чунончи, «Чўлпон ўрта бўйли тўлачадан келган, доимо юмалоқ гардишли кўзойнак тақиб юрадиган одам эди. У жуда серандиша, одамларга беҳосдан озор бериб кўйишдан чўчидиган, кўнгилчан ва чинакам шоирона табиатга эга эди. Арзимаган нарсага хуноби чиқиб, фикони фалакка етар, асабийлашар, яна арзимаган сабаб билан кайфияти жойига келиб қоларди»³. Муҳим жиҳати шундаки, М.Бурҳонов Чўлпон қиёфасини тасвирлар экан, унинг характеридаги эстетик фазилатларни унинг санъатга бўлган меҳри орқали изоҳлаб, “Чўлпонни Фитратникида кўриб юриб, унинг яна бир хислатини билиб олдим, у ҳам мусиқани жуда-жуда яхши кўрар экан. Назаримда, у дуторни алоҳида бир меҳр билан суярди ва дутор чертган одамни ҳам яхши кўрарди. У Самарқандда турганида Солиҳа деган хотини бор эди. Солиҳа бор маҳорат билан дутор чаларди...”⁴.

Бундан ташқари, диссертацияда келтирилган Аҳмад Шукрийнинг Чўлпонни Шекспир билан қиёслашини шоир фаолиятидаги муҳим эстетик манба сифатида эътироф этиш мумкин. Унинг фикрига кўра, “Чўлпон оти қулоғимга киргунча кўзимга Шекспир кўринадирда турадир. Шекспир лиризмаси билан Чўлпон шеърини орасида нақадар айирма ахтарсам-да, они топаолмадим. «Ўйғониш»ни неча топқирлар ўқиб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг «Шекспир - Чўлпон ёхуд Чўлпон - Шекспирдир» фикрига, келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшқинлиги билан тўладир. Чўлпон оқкўнгиллиги Шекспир самимийлигидан ўтадир. Чўлпон бизда севги тангриси, севги яратғувчисидир. Чўлпон лирик, Чўлпон шоирдир, Чўлпон Чўлпондир»⁵.

¹ Мамажонов С. Чўлпон ва театр // Нафосат. –Тошкент, 1992. -№ 2. -7 б.

² Қаранг: Чўлпон. Мен миллатчи эмасман (Нашрга тайёрловчи С.Аҳмедов) // Санъат. –Тошкент, 1989. -№8. – 21 б.

³ Бурҳонов М.. Нурли сиймолар. Фитрат ва Чўлпон ҳақида хотиралар Ёзиб олувчи О.Шарафиддинов. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1991, 19 апрель.

⁴ Турдиев Ш.. Маърифат қалдирғочлари // Ёшлик. –Тошкент. 1989. -№ 7. – 64 б.

⁵ Аҳмад Шукрий. Чўлпон - Чўлпондир. –// Кўмак. –Берлин, 1923. -№ 5. - Б. 19-20.

Шунингдек, тадқиқотчи Чўлпоннинг бадиий-эстетик ижодида таржимонлик фаолияти алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлаб, унинг таржима асарлари уни ўзбек бадиий таржима мактабининг асосчиси эканлигидан далолат беришини илмий манбаларга таянган ҳолда исботлашга ҳаракат қилади.

Мазкур бобнинг “Абдулҳамид Чўлпон эстетикаси шаклланишида объектив ва субъектив омиллар” деб номланган иккинчи параграфида тадқиқотчи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг етмиш йил мобайнида ижтимоий, сиёсий ва маънавий таназзул таъсирида турлича баҳоланиб, кўпроқ қораланиб келингани, агар чет элда туриб унинг шахси ва бадииятига ҳолисона фикр билдирган мунаққидларни назарга олмаганда, ўзимизда Чўлпон «жадид», «мафкураси бузук», «миллатчи», «буржуа шоири», «босмачилар куйчиси», «йиғлоқи шоир», «аксилинқилобчи», «Октябрь инқилобини тушунмаган овсар», «ёшлар онгини заҳарловчи ёт унсур» ва ниҳоят «халқ душмани» сифатида танқид қилинлиги билан боғлиқ масалаларни ҳолисона ёритишга ҳаракат қилган. Бу масалаларга ойдинликни мунаққид Озод Шарофуддинов ҳамда Эрик Каримовларнинг ўзбек адабиётида реализм тараққиёти муаммоларига бағишланган тадқиқотида Фитрат ва Чўлпонларга бўлган муносабат руҳи ўзгара бошлаганлиги, 20-йиллар адабий жараёнига янгича муносабатда бўлиш Аҳмад Алиевнинг “Адабий мерос ва замонавийлик” китобида келтирилган маълумотлар орқали кўрсатиб ўтган.

Диссертациянинг «Абдулҳамид Чўлпон эстетик қарашларидаги миллий ва умуминсоний хусусиятлар» деб номланган иккинчи бобнинг «Абдулҳамид Чўлпон эстетик дунёқараши шаклланишининг объектив шарт-шароитлари» номли параграфида Чўлпон эстетикасининг мафкуравий ва миллий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ҳар бир ижодкорнинг эстетик қарашлари у яшаган даврнинг ижтимоий, тарихий ва миллий хусусиятлари, бадиий тажриба ва анъаналари таъсирида шаклланади. Шу билан бирга, санъаткорнинг эстетик қарашлари тарихий, мафкуравий ва миллий жараённинг оддий ойнаси бўлиб қолмай, истеъдодининг қирралари, дунёқараши ва эстетик идеали бирлигидан ташкил топади. Бугунги кун Чўлпон ижодини ўрганиш тарихий ҳақиқатларга амал қилишни, ижодкорнинг бой адабий, назарий меросини объектив тадқиқ этишни, шахс сифатида унга ёпиштирилган ҳар қандай мафкуравий, сиёсий ва ғайриилмий иллатлардан тозалашни тақозо этади.

XX аср бошларида Туркистонда шаклланган ва тараққий этган фалсафий-эстетик тафаккур йўналишини асосан жадидчилик ҳаракати белгилаган эди. Жадидларнинг фалсафий-эстетик ва педагогик қарашларининг Ўрта Осиёда кенг тарқалиши ва катта ижтимоий ҳодисага айланишида Бехбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Чўлпон, Абдулла Авлоний сингари буюк шахсларнинг хизмати катта бўлди. Айниқса, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ёзилган мақолалар Чўлпон дунёқарашининг шаклланиш жараёнлари бўйича тасаввурга келиш имконини бериши тадқиқотчи томонидан атрофлича ўрганилган. Жумладан, жадид-

маърифатчилари ўз дастурида миллат ва мамлакатнинг дунёвий тараққиёти йўлида тушов бўлиб келаётган диний фанатизм ва қолоқ расм-русумларга қарши чиқиш, эски мактабларни янги ўқув усуллари билан ислоҳ қилиш, халқ оммасининг саводини чиқариш мақсадида матбуот масалаларига жиддий эътибор қаратиб, янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожини устида қайғуриш; Европа маданиятидан орқада қолиб кетмаслик учун замонавий миллий театр томошаларини ташкил этиш; хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги аҳволини ўзгартириш мақсадида турли ижтимоий ислохотлар йўлини қидириш сингари муаммоларни ўртага ташладилар.

Тадқиқот муаллифи Чўлпоннинг дунёқараши инсонпарварлик, миллатпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган эди, дейди, унинг кўплаб очерк ва публицистик мақолалари халқ ҳаёти ва тақдирига бағишланганлиги уқтиради. Бу борада «Ўш», «Баҳор овуллари», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар», «Дўхтир Муҳаммадиёр», «1914-1917-йиллар каби...» асарларида ана шу тенденция кўзга ташланишини таъкидлайди. Чўлпон 1920-1924 йиллар мобайнида жуда кўп публицистик мақолалар, йўл таассуротлари ва эсселар («Шарқ уйғонган», «Йўлда бир кундуз», «Йўлда бир кеча», «Йўл эсдалиги», Кўгард водийси», «Чимкент», «Қутурган мустамлакачилар», «Чопон» ва ҳоказолар) ёздики, уларнинг ғоявий-бадий аҳамияти қуйидаги ижтимоий-эстетик ғояларни ифодалашга қаратилган эди:

- чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати халқлар озодлиги, айниқса, Туркистон халқлари истикболи йўлига ташланган тузоқ. Бу тузоқ халқнинг ўсишига тўсқинлик қилди, ўлкани ва халқни ҳалокат ёқасига олиб келди;

- жамиятдаги нотинчлик табиат мувозанатини ҳам бузади, табиатга бўлган ғаразли муносабат эса одамлар қисмати, келажак авлодлар тақдирига таъсир этмай иложи йўқ.

Чўлпон табиат билан жамият ўртасидаги уйғунлик ва ҳамоҳанглик зарур эканлигини, бу жамият учун ҳам, одамлар ва инсоният учун ҳам табиий эҳтиёж эканлигини куюниб ёзади. Шунинг учун ҳам Чўлпон дунёқараши башарият илғор тафаккури, жонажон ўлка табиати ва қишлоқлари, турмуш тарзи, ҳаёти ва фаолияти ҳамда ўз даври ижтимоий, сиёсий, бадий-эстетик қарашларининг гуманистик ва ватанпарварлик ғоялари таъсирида шаклланди ва ривожланди.

Тадқиқотда Чўлпон ҳеч қачон тор ва чекланган ҳолда фикр юритмаганлиги бадий-эстетик контекстда таҳлил қилинади. Чунончи, шоир кенг ва очиқ тафаккурни, эркин ва озод миллий юксалишни, маърифат ва маданият орқали ҳаётни гўзаллаштиришни орзу қилди, шу йўлда тинмай фаолият кўрсатиб, ижод қилганлигини ўз саёҳатномасида қуйидагича хулосалайди: «Шу калта саёҳатнинг натижасида кўп нарсаларни кўрдик. 5-6 йиллик бузғунлик тарихини жой-жойида варақлаб, ўқиб кўрдик. Бузғунлик ҳақиқатан жуда кучлик. Бузғунликни йўқ қилиб, йиқилгонни тиклаш учун жуда зўр кучлар, туганмас ғайратларга эҳтиёж бор. Юрт – бузулгон. Локин унинг мунбат тупроғи кўчиб кетгани йўқ, жойида. У тупроқ орқали яна

юртнинг яшнатмак сиз ва бизнинг кўлимизда, ҳурматли ўқувчилар»¹. Мазкур фикрлар Чўлпоннинг дунёқараши эзилган, хўрланган, вайронага айланган ўлканинг ижтимоий муҳотида ўз халқи ва юртини озод кўриш истаги, мустақиллик орзулари тарзида шаклланганлигини исботлайди.

Мазкур бобнинг «Абдулҳамид Чўлпон эстетикасида миллий ва умуминсоний қадрият диалектикаси» деб номланган иккинчи параграфи бевосита унинг эстетик қарашларига бағишланган бўлиб, унда Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса, миллат яшар. Адабиёти ўлмоғон ва адабиётининг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмағон миллат охири бир кун хиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инкироз бўлур»², деган машҳур ақидага асосан тадқиқ этилган.

Шунингдек, Чўлпон эстетикаси асосида халқ онги ва маънавиятини бойитиш ҳамда халқни маърифатли қилиш масаласи ётгани учун у Европа ва татар қардошларимизда «Адабиёт кечалари» тез-тез ўтказилиб, кишиларга руҳий лаззат тарқатилаётган бир замонда бизнинг ислом маданияти билан боғлиқ тарихимиз ва адабиётимиздан йироқ туришимиз ва англамаслигимиздан изтиробга тушади.

Тадқиқотда Чўлпон ижодкор сифатида икки буюк дарёдан баҳраманд бўлди: миллий ва умуминсоний маданиятни мукамал эгаллади, деган фикр илгари сурилади. Чўлпон маърифатпарвар ва инсонпарвар шоир бўлиб етишди, ўзбек адабиёти тарихига хайқириб ва чақириб, кўкрагига уриб инқилобчилик даъвоси билан эмас, одамларни, халқини маънавий қашшоқлик ботқоғидан олиб чиқишга бел боғлаган маданиятли зиёли бўлиб кирди. «Замондошларининг эслашича, деб ёзади адабиётшунос О.Шарафуддинов, – хатто Франция ва Ҳиндистонда нашр қилинган газета ва журналларни ҳам олиб турган»³.

Муаллиф Чўлпоннинг янги ўзбек театри тараққиёти учун уч йўналишда иш олиб борганлигини баён қилади. Бу, аввало театр соҳасидаги ўз назарий билимини ошириш йўлида рус ва жаҳон театри ҳақидаги китоб ва мақолаларни чуқур мутолаа қилди, театр хусусидаги назарий қарашлари уни оригинал асарлар яратишга чорлади ва, ниҳоят, жонажон халқи эстетик маданиятини жаҳон халқлари санъати намуналари билан бойитиш мақсадида таржимонлик иқтидорини юксалтирди. Шу тариқа 20-йиллардаёқ ўзбек маданияти Чўлпон сиймосида театр назариётчиси, драматург ва таржимонга эга бўлди.

Тадқиқотда Чўлпоннинг театр эстетикаси билан боғлиқ ўзбек профессионал театрини шакллантириш, айниқса, актёрлик маҳорати хусусидаги қарашлари унинг «Москвада икки турк санъаткори» деган мақоласида ўз аксини топганлиги таъкидланади. Жумладан, мақоладан Чўлпон Россия театр санъатидаги ғоявий-бадий йўналишларга ҳам

¹ Чўлпон. Вайроналар орасида. Нашрга тайёрловчи: Жўра Худойбердиев. –Тошкент: Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

² Чўлпон. Адабиёт надур? Нашрга тайёрловчи: Рустам Тожибоев. – Тошкент: Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.

³ Шарафиддинов Озод. Ижод йўли. // Ёшлик. –Тошкент: 1987. -№ 10. – 49 б.

этиборни тортади ва анъанавий театрлар каторида «Мейёрхольд театри» деб ном олган янги санъат даргоҳи вужудга келганини айтади. «Бу – чинакам инқилоб театри; унинг ҳар нарсаси дегандек янги, шу билан бирга, у янгиликлар ҳам муқаррар ўрнашмаган – «вақтли» нарсалар. Шу учун бу муассасани уқтиргон вақтда «Исташ театри» деб қўядилар. Бу тўғри уқтириш, ҳақиқатан «Мейёрхольд театри» ҳар кунги талабга қараб янги йўл ахтарадир»¹.

Тадқиқот муаллифи мазкур бобга хулоса қилиб, Чўлпон эстетикаси, айниқса, унинг адабиётшунос, театр назарийгчиси, нозик дидли санъатшунос бўлганлиги мақолалар туркумида кўзга яққол ташланишини кўрсатиб ўтади. Уларда шоир-драматург ҳар бир миллат адабиёти, санъати ўзининг миллий калорити ва инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан умумбашарий эстетик тафаккурдан жой олиши, ўзбек адабиёти, санъати ўз даври бадиий-эстетик тақомилидан орқада қолмай ривожланиши зарур эканлигини исбот қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «Абдулҳамид Чўлпон эстетикасида ижодий услуб ва маҳорат масалалари» деб номланади. Бобнинг биринчи параграфи «Чўлпон ижодида Шарқ ва Ғарб муаммоларининг бадиий таҳлили» деб аталиб, унда ижодкорнинг юрт дарди ва қайғуси масалалари акс этади.

Чўлпон реал ҳақиқат, аниқ воқеа, ҳодисалардан кўра «Шарқ», «Ғарб», «Муҳит», «Эрк», «Кўланка» сингари умумий тушунчаларнинг бадиий инъикосини беришга, умумийлик ва мавҳум лавҳаларда лирик қаҳрамон тили ва дилида кечаётган жараёнларни ифодалашга интилади. Чунончи, романтик бадиий тафаккурга хос хусусиятлардан бири шундаки, унда бепоён олам сиру-синоатлари, узоқ ва яқин ўлкалар тарихи ҳам тасвир объектига айланади. Бундай ижодкорларда поэтик максимализм, улкан ижтимоий муаммолар илдизини қидириш сингари бадиий тадқиқ белгилари кучли бўлади.

Маълумки, XX асрга келиб Шарқу Ғарб масаласи кескин ижтимоий-тарихий ва маънавий қарашлар майдонига айланди. Маълумки, Шарқ мамлакатларининг Ғарб империалистлари томонидан босиб олинishi уларнинг шундоқ ҳам ижтимоий-тарихий тараққиётидаги сусткашликни янада чуқурлаштириб юборди. Бунга қарама-қарши ўлароқ илғор кучлар ва маърифатпарвар кишиларнинг Шарқ озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги ҳаракатлари, фаолиятлари кучая бошлади. Шу боис, бадиий ижодда ҳам сиёсий мавзулар кўпроқ кўтарилди, Шарқ ва Ғарб мамлакатларида яшовчи халқларнинг турмуш тарзи қиёслана бошланди ва бундай тафовутлар сабабини аниқлаш тамойили кучайди. Исмоил Тўлаковнинг ёзишича, «Оқ ва Қора, Тун ва Кун, Ғарб ва Шарқ аср бошларига келиб бадиий ижодда ўзликни англаш ва уни сақлаб қолиш туйғуларини ифодалаш воситаси сифатида шеърятда мустаҳкам ўрин тута бошлади»².

¹ Чўлпон. Москвада икки турк санъаткори. Нашрга тайёрловчи Улуғбек Долимов. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил 3 май.

² Қаранг: Тўлаков Исмоил. Чўлпон маҳорати. –Андижон: «Меҳр» нашриёти, 1997. – 37 б.

Айтиш мумкинки, Шарқни Миср эҳромлари ва Нил дарёси, фаллоҳлар тўйи, Сурия шомию, Ҳимолай тоғи, ҳинд қизи, Нишопур боғлари, Хайём ғазаллари, Конфуций фалсафаси, Зардушт таълимоти, Бедил каломларисиз тасаввур этиб бўлмайди. «Шарқ» деганда шоир буюк маънавият салтанатини ва бу маданиятни барпо этган шахслар ва даврларни тилга олади. Шоир Шарқ тарихи ва тақдирида ниҳоятда мураккаб, чигал жумбоқлар борлиги, уни очмоқ учун тайёрланиш кераклигига ишора қилади. Бу борада шоир «Ёруғ юлдузга» деган шеър ёзади. Бу шеърда шоирнинг нияти кўнгил ва орзулар армони тарзида акс этади, Шарқ тақдири лирик қаҳрамон ҳаёт-мамоти билан боғлиқ эканлигига ишора қилинади. Лирик қаҳрамон юлдузга қараб хитоб қилади:

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла,
Оталарнинг тарихдаги жафосин,
Шул хатодан афсусланиб, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин.
Сўзла, англлат ўтгандаги турмушнинг
Бутун қонли, шонли жонли ерларин
Кўз олдимда жилваланур юрт учун,
Жонлар бериб, қонлар тўккан эрларинг.

Чўлпоннинг 20-йиллар поэзиясида Шарқ ва Ғарбнинг умумлашма тимсоллари, образлари кўплаб учрайди. Шарқ ва Ғарб шоир ижодида бири-бирига қарама-қарши. Бири иккинчиси устидан ҳукмронлик қилишга интилувчи, бири-иккинчисини ҳўрлаб, зўрлаб ҳаёт кечираётган зулм ва ноҳақлик тимсоли сифатида гавдаланади. Бунда Шарқ зўрланган ва топталган, мазлум ва бедаво дардга чалинган маскан сифатида тилга олинган. Шарқнинг ёзини ҳам, кузи ва қишини ҳам тилга олар экан, шоир лирик қаҳрамон тилидан фаслларнинг барчасида инграб ётган Шарқ образини беришга ҳаракат қилади. Бир ўринда Шарқ қолоқлигидан ачинса, иккинчи ўринда яраланган Шарқ танасига малҳам бўлгиси келади, хаста, тутқун Шарқнинг аҳволига ачинади.

Муаллиф Чўлпоннинг ижодий услубини белгилашда унинг миллат ва мамлакат ҳаёти, тақдири ва истикболини ифодаловчи ғоялар, мавзуларнинг бадиий-эстетик талқинини воқеликка эстетик муносабат қонуниятлари асосида таҳлил қилади. Чўлпон қайси мавзу, муаммога қўл урмасин, у Шарқу Ғарб муаммолари бўладими, табиат манзарасими, ишқ-муҳаббат кечинмаларими, миллат тарихи ёки истикболими, эрк орзусими – барчасида шоир миллатпарвар лирик қаҳрамон сиймосида намоён бўлади. Чунончи, Чўлпоннинг «Пўртана» шеъри эрк сари интилган лирик қаҳрамоннинг қалб нидоси бўлиб жаранглайди. Бу шеърда шоир иккита муҳим масалага ўқувчи диққатини тортади: биринчидан, миллат ва мамлакат ҳаётида, бутун дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга ишора бор. Чўлпон шеъриятидаги нафосатга йўғрилган бадиий ғоянинг кучи шундаки, у ўз қалбида туғилган кечинмалар қуртагини атрофдаги барча жонли ва жонсиз

нарсаларга, инсоний дард ва орзуларга пайванд қилади, сингдиради ва бу руҳий жараёндан ўзи ҳам куч олиб янги манзил, янги мавзу, янги туйғулар сари интилади. Чўлпон поэзияси ўқувчини лоқайд қолдирмайди, ўзлигини англашга, ўзини - “Мен эркинманми? Нега? Нима учун?” - деган саволларга жавоб излашга мажбур қилади.

Тадқиқотчи мазкур бобнинг «Чўлпон эстетикасида халқчиллик ва миллий ўзига хослик масаласи» деб номланган иккинчи параграфида бадиий ижодда халқчиллик турли кўринишларда намоён бўлишини кўрсатиб ўтар экан, халқнинг муайян даврдаги ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган тарихий, миллий ва маънавий муаммоларни кўтариб чиқиш, бадиий асарлардаги халқчил тил, халқ учун ардоқли ва ибратли образлар, нозик ташбеҳлар, мусикий назокат, халқ анъаналари ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурлардан унумли фойдаланиш каби эстетик талабларни илмий таҳлил этади.

Маълумки, Чўлпон поэзияси халқчилиги ва миллийлигини белгиловчи мавзу, мотив ва жиҳатлар хилма-хил. Масалан, шоир яшаган даврда ёшларнинг саводи ва истиқболи, ўзбек хотин-қизларининг тақдири масаласи миллат ва жамият олдида турган энг долзарб муаммо эди. Хотин-қизлар тақдири ва нафосатига бағишланган шеърларда Чўлпон табиат мўъжизаси саналмиш аёллар дунёси ва қалбини нозик дид билан илғаб олади ва шох сатрларга жойлайди. «Шарқ қизи», «Мен ва бошқалар», «Қиз кўшиғи», «Ер асиралари», «Паранжи», «Келинчак», «Зангбунинг қизи» каби шеърлар бунга ёрқин мисол бўлади. Шунингдек, шоир ижодининг халқчилиги унинг муҳаббат тароналарида кўзга яққол ташланади, муҳаббат мавзусидаги шеърлар шоирнинг поэтик даҳоси, услуби ва образли тафаккури нақадар кўпқиррали эканига ёрқин мисол бўла олади. Чўлпон услуби классик шоирларнинг ҳаёлот билан чирмашиб кетган услубидан ҳам, субъектив кечинмалар билан ўралашувчи поэтик эҳтиросдан ҳам ажралиб турувчи, реал кечинмаларнинг тафти ва ҳаяжонларини ифодаловчи, оёғи ерга маҳкам қўйилган, аммо нигоҳи олис-олисларга қаратилган лирик қаҳрамон образини намоён қилувчи романтик услуб эди.

Чўлпон шеъриятидаги лирик қаҳрамон ҳаёлдаги ёки афсонавий гўзални эмас, ҳаётини, жонли гўзални севади. Бу севги образлар таъсирида туғилган ва ҳаётини сиймо шаклида гавдаланади. Лирик қаҳрамоннинг севгилиси “ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал”. Диссертант бу масала юзасидан адабиётшунос олим Дилмурод Куронов билан эстетика тадқиқотчиси Баҳодир Хусановларнинг қарашларини қиёсий таҳлил этган. Жумладан, Д.Куроновнинг «Гўзал» хусусидаги қуйидаги фикрини келтиради: «Чўлпон шеърни 1919 йил феврилида – Бошқиртистондан эндигина қайтган, миллий озодликка боғлаган умидларида бир бора алданган, бироқ энди ўша мақсадни дилига туккан ҳолда шўро матбуотида ишлай бошлаган бир пайтда ёзган эди. Шоир дилидаги миллий истиқлол орзуси унинг ижтимоий-эстетик идеали мақомига кўтарилган эди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, «маъшуқа» Чўлпон учун миллий озодлик рамзи эди, шу боис ҳам шоир уни бошқа ҳамма нарсадан устун қўяди. Контекст доирасини биров кенгайтирайлик-да,

Чўлпоннинг бутун ҳаёти ўз идеали – миллий истиқлолга интилиб яшашдан иборат бўлди, деган тўхтамга келайлик»¹.

Бу масалага Б.Хусановнинг ёндошувини ҳам таҳлил қилиб, унинг “Туркистон маърифатчи жадидларининг етук намоёниси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Гўзал» номли шеъри ана шундай нозиклик билан яратилган бадиий ижод намунасидир. Шеърда гўзаллик ўзига хос тарзда «бўрттирилади». Унда талайгина маъжозий қиёфалар мавжуд: шоирнинг «суюклиси» ёр, қиз бола эмас, балки Ватан шаклидаги гўзалликдир. «Мен суйуб...мен суйуб...кимни суйубмен?» сатридаги уч нуқта ҳам катта аҳамиятга эга. Улар шоирнинг суюклиси тамомила бошқа нарса, ҳозирги шароитда, яъни шеър ёзилаётган шароитда очик айтиб бўлмайдиган гўзалликдир. У “гўзал” – гўзал Туркистондир. Бу шеърда Ватан гўзаллиги билан унга ошиқ бўлган фарзанднинг ички гўзаллиги омухталашиб кетади. Ана шу уйғунлашув натижасида шеърнинг ташқи, шаклий гўзаллиги ҳам юксак даражага кўтарилади. «Суйубмен», «куйубмен», «ёнибмен» сўзларидаги эгалик қўшимчаси «ман» шаклида эмас, айнан «мен» шаклида берилиши Ватанга ошиқ фарзанднинг ижтимоий-эстетик моҳиятини таъкидлаб туради. Кўз олдимизда Ватан учун, гўзал Туркистон учун, қолаверса, унинг гўзаллиги учун лозим бўлганда жонини бахш эта оладиган ватанпарвар, мард инсон қиёфаси гавдаланади»², деган фикрини келтириб ўтади. Ҳар иккала фикрда ҳам Чўлпоннинг эстетик қарашидаги гўзаллик – бу Ватан истиқлоли, юрт озодлиги ва мамлакат мустақиллиги эканлигини таъкидлайди

Юқоридаги фикрлар асосида тадқиқотчи мазкур бобни қуйидагича хулосалайди:

Биринчидан, Абдулҳамид Чўлпоннинг эстетик тафаккурида ижодий услуб ва маҳорат масаласи давр бадиий ғоялари билан уйғунлашган ҳолда шаклланиб, халқнинг онгини миллий дунёқараш негизида камол топтириш асосий масала бўлиб ҳисобланган.

Иккинчидан, ижтимоий тараққиёт жараёнида Шарқу Ғарб масаласи тарихий ва маънавий қарашлар майдонига айланди. Маърифатпарвар зиёлиларнинг Шарқ озодлиги йўлидаги ҳаракатлари ва фаолиятлари кучая бошлаган давр бўлди. Шунга кўра ижодда ҳам бадиий-ғоявий қарашлар кўпроқ акс этди, Шарқ ва Ғарб мамлакатларида яшовчи халқларнинг турмуш тарзи қиёслана бошланди ва бундай тафовутлар сабабини аниқлашга эҳтиёж кучайди.

Учинчидан, шоир шеъриятининг ғоявий-бадиий кучи қалбда туғилган кечинмалар билан боғлиқ ҳолда воқеликни инсоний дард ва орзуларга пайванд қилиш орқали намоён бўлади. Чунончи, ўзбек хотин-қизларининг чинакам озодликка чиқиши, эркин қуш каби парвоз этиши, ўзининг табиий гўзаллигини паранжи остида яширмай, очилиб-очилиб юришини шоир орзу қилади, қизларни, қизга ўхшаш жувонларни кўклам чоғи, ой тўлган, юлдуз

¹ Курунов Дилмурод. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. -Тошкент:Ўқитувчи, 1997. -30 б.

² Хусанов Б. Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: Дис ... фан. фан. ном. –Тошкент: ЎзМУ, 2002. -92 б.

кулган кечаларда кўришни, уларга бир даста гул бериб, завқларга тўлишни, юлдузлардан нур олиб, шуълаларга бурканишини истайди.

Тўртинчидан, даврнинг айрим ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнларини мажозий образлар орқали акс эттириши ўз навбатида, шоирнинг оламни эстетик мушоҳада қилиш ва романтик тасвирлаш маҳорати юксаклигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Халқимиз маънавий юксалишида муҳим ўрин тутган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодини эстетик тафаккурнинг ўзига хос ғоявий-бадий инъикоси дейиш мумкин. Зеро, маърифатчилик ҳаракати ва жаҳид адабиёти Туркистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида эстетик вазифани бажарди. Бу даврда бадий жараённинг мавзу доиралари кенгайди, адабиёт ва санъат бевосита миллат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттира бошлади.

XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-адабий муҳит янгича фикрлайдиган, миллат ва мамлакат тақдирига бефарқ қарамайдиган ижодкорларни шакллантирди. Чўлпон ана шу муҳитда улғайиб, сўнгра ўзининг янги ижодий йўли ва образлар дунёсига ҳамда мустақил эстетик қарашларига эга бўлган ижодкор сифатида намоён бўлди. У ўзбек халқининг XX аср биринчи ярмида ижод қилган адиблари орасида оригинал бадий ифода имкониятларига эга бўлган шахс сифатида тарихда қолди, Шарқ ва Ғарб бадий тафаккурининг романтик чашмаларидан баҳраманд бўлгани ҳолда бадий ижодда серқирра ва сермазмун маънавий мерос қолдирди.

Чўлпон илмий-маърифий меросимиз учун «Кеча ва кундуз» сингари ажойиб роман, «Ёрқиной» каби романтик драма қолдирган бўлсада, у асосан, руҳият шоири, орзулар куйчиси, эрксевар адиб сифатида машҳурдир. Унинг эстетик қарашлари асосан поэзиясида, ижодий услубидаги романтик тасвир воситалари эса эрк, истиқлол, озодлик каби улуғвор ғоялар билан суғорилган ижодий фаолиятида акс этади.

Чўлпон эстетикасининг назарий-ғоявий асослари жаҳид-маърифатчилик ҳаракатининг асосий мақсадлари билан уйғун бўлиб, унинг ижодкор сифатида шаклланишидаги объектив ва субъектив омиллар ҳамда ғоявий-эстетик тамойиллари қуйидаги жиҳатлар билан ажралиб туради:

Биринчидан, Абдулҳамид Чўлпон Шарқ мумтоз шеърлятида акс этган воқеликдаги руҳ, туйғу ва ғоялар ифодасини рамзий образлар, ташбеҳлар ва тасвирлар орқали беришга асосланган романтик ифода услубини XX аср ижтимоий-тарихий воқеаларини акс эттиришда қўллади ва бу услубда оригинал асарлар яратишга эришди.

Иккинчидан, Чўлпон «Шарқ» атамасидан умумлашма образ сифатида, яъни мустамлакачиликдан азоб чекаётган мамлакатлар, хусусан, Туркистон тақдир ва аҳволини бадий-эстетик жиҳатдан тасвирлаш воситаси сифатида фойдаланади. Худди шунингдек, «Ғарб» ҳам кўҳна Шарқни хўрлаётган образ сифатида таърифланади. Шоирнинг Шарқ ва Ғарбга бағишлаган шеърлярида

романтик услубга хос тасвирлашдан кўра, таъкидлаш тамойили устуворроқдир.

Учинчидан, «Шарқ» ва «Ғарб» образларига бағишланган шеърларининг романтик услубида шоирнинг ватанпарварлик жасорати, хусусан, Шарқ тимсолидаги Туркистон халқларининг изтироби ва мустақиллик учун курашга чорловчи чақириқлар поэтик оҳанг ва ижтимоий-фалсафий ғоялар билан йўғрилган.

Тўртинчидан, Чўлпон бадий-эстетик олами тор маҳаллийчилик ва миллатчиликдан кўра, халқ маънавиятини юксалтириш, уни жаҳон эстетик маданиятидан баҳраманд этувчи миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга қаратилган. У маданиятлар тараққиётидаги энг асосий эстетик тамойил – бу халқлар ва мамлакатлар эстетик меросининг ўзаро таъсири ва бойишидир, деб билди. Зеро, Шекспирнинг шоҳ асари «Гамлет» нинг Чўлпон томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши бунинг исботидир.

Бешинчидан, Чўлпоннинг эстетик қарашлари адабиёт ҳақида ва театр масалаларига бағишлаб ёзган мақолаларида янада яққол акс этади. У анъанавий томоша усуллари билан чегараланиб қолмасдан, замоннинг илғор театр мактабларидан, айниқса, Москва театр арбоблари маҳоратидан ўрганиш лозимлигини уқтиради.

Ушбу хулосалар асосида диссертация натижаларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилган:

1. Чўлпон чет эллардаги санъат тараққиёти, айниқса, Москва бадий-эстетик муҳити билан яқиндан таниш бўлгани ҳолда Мейёрхольд театрини янги даврнинг янги театри, истиқбол санъати сифатида эътироф этади. Бинобарин, Чўлпон 20-йиллардаёқ ижод индивидуаллиги ва услубий ранг-баранглигини чинакам ижодкор нуқтаи назаридан идрок қилади. Мазкур масаланинг ижтимоий-эстетик қиммати эса театр эстетикаси ривожини учун аҳамиятлидир. Шу боис Чўлпоннинг образ яратишдаги бадий эстетик маҳоратини ўрганиш бугунги кунда драматургия соҳасини ривожлантиришда самарали натижа бериши мумкин.

2. Чўлпон поэзияси ҳаёт ва гўзаллик, эрк ва озодлик сингари эзгу орзуларни ифодалайди. Чўлпон шеъриятида чинакам поэтик-романтик руҳ ва олижаноб инсон орзу-умидлари инъикос этган. Шоир бадий олами ўзининг романтик улуғворлиги ва гуманизми билан ажралиб туради. Шу боис таълим муассасаларида Чўлпон ижодининг эстетик тамойилларини кенгроқ ўрганиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

3. Чўлпон поэтик санъатининг халқчилиги унинг халқ руҳига, тафаккурига яқинлигидадир. Унинг поэзияси сийқа ташбеҳлардан йироқлиги ҳамда барчанинг эстетик туйғуларига ижобий таъсир этиши билан характерлидир. Айниқса, хотин-қизлар масаласига бағишланган шеърлари халқ лапарлари, термалари руҳида ёзилган бўлиб, уларнинг асосий ғоявий-эстетик мотиви инсон эрки, бахти ва саодатига асосланади. Бу эстетик ғояни баркамол авлодни тарбиялашга доир олиб борилаётган ишларнинг мазмунига сингдириш ва бу борада амалий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш орқали таълим билан тарбиянинг узвийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

4. Чўлпон анъанавий тазот усулидан фойдаланиб табиат манзараларига бағишланган шеърлари орқали XX аср ўзбек шеърлятига янгилик киритди. Бу шеърлятнинг ғоявий-бадий рамзи бўлган шоирнинг эстетик идеали эса юрт гўзаллиги ва халқ камолоти билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Санъат турларининг ўзаро интеграцияси кузатилаётган бугунги глобаллашув даврида эстетик тарбия жараёнларини ташкил этиш ва йўлга қўйишда шоирнинг юқоридаги қарашларини асос сифатида ижтимоий муносабатлар тизимига қўллаш мақсадга мувофиқ.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Айматов А. Чўлпон ижодида театр эстетикаси ва тараққиёти // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2008. -№ 4. –Б.85-86.
2. Айматов А. Чўлпон эстетик дунёқараши шаклланишининг ғоявий асослари // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. –Самарқанд, 2008. - №4. -Б. 5-13.
5. Айматов А. Чўлпон аксиячилик санъати ҳақида // Гулистон. – Тошкент, 2008. -№6. -Б. 18-19.
1. Айматов А. Абдулҳамид Чўлпон – катағон даври қурбони // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2009. - № 4. -Б. 48-49.
2. Айматов А. Чўлпон - эстетик ғоялар мутафаккири // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2009. - № 4 -Б. 84-87.
6. Айматов А. Чўлпон эстетикасининг жадиदчилик фаолиятида тутган ўрни // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. –Самарқанд, 2009. -№ 6. - Б. 3-5.
7. Айматов А. Чўлпон эстетик қарашларининг ривожланишида бадиий адабиётларнинг роли // Самарқанд кеча ва бугун (Доцент Х.М.Мамарахимовнинг 70 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари: -Самарқанд, 2009. -Б. 107-109.
8. Айматов А. Абдулҳамид Чўлпон эстетик қарашларида глобаллашув унсурларининг намоён бўлиши // Глобаллашув, модернизация ва толерантлик: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар: -Тошкент, 2009. -Б. 39-40.
9. Айматов А. Жадиदчилик ва Чўлпон // Глобаллашув, модернизация ва толерантлик: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар: -Тошкент, 2009. -Б. 46-47.
10. Айматов А. Жадидчилик ва Чўлпон эстетикасининг мафкуравий жиҳатлари // Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II-қисм. - Самарқанд, 2009. –Б.288-289.

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Айматов Аминжон Қудратовичнинг 09.00.04- Эстетика ихтисослиги бўйича “Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадий асослари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Абдулҳамид Чўлпон ижоди, ғоявий-бадий асос, эстетик дунёқараш, ғоя ва тузилиш, миллий қадриятлар, объектив ва субъектив омиллар, миллий мафкура, миллий ғоя, санъат ва адабиёт, миллий ва умуминсоний хусусиятлар, бадий ижод жараёни, эстетик қиёфалар, шеър ва ҳикоялар, Шарқ ва Ғарб эстетикаси, халқчиллик, миллий ўзига хослик, маънавий камолот.

Тадқиқот объектлари: Абдулҳамид Чўлпон ижодий фаолиятидаги эстетик тамойиллар ва ғоялар ҳамда эстетикасининг ғоявий-бадий асосларини белгиловчи асосий омиллари.

Ишнинг мақсади: Абдулҳамид Чўлпон ижодининг эстетик тафаккур шаклланидаги аҳамияти, ғоявий-эстетик асосларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари: диалектиканинг тарихийлик ва мантиқийлик, объективлик ва қиёсий таҳлил, конкретлик ва умумлаштириш, кузатиш ва илмий билиш .

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадий асослари, ижодининг миллий ва умумбашарий моҳияти, адиб дунёқараши биринчи бор фалсафий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этилди. Абдулҳамид Чўлпон эстетикасини белгиловчи шоир услубига хос бўлган романтик тасвир маҳорати очиб берилди.

Амалий аҳамияти: диссертацияда эришган илмий хулоса ва тавсиялардан таълимнинг барча буғинлари, маҳаллалар, жамоатчилик асосида ишлайдиган турли-туман тугараклар, ташкилотлар ўз тарғибот ишларида фойдаланишлари мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда турли илмий-амалий конференциялардаги маърузаларда, лицей ва коллежларда “Эстетика” фанини ўқитишда, олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар маъруза матнлари, ўқув дастурлари тайёрлашда фойдаланилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: диссертация натижаларидан ўқитувчилар ва тарбиячилар мактабларда, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар бўйича ўқув-услубий қўлланма сифатида, маънавият ва маърифат маркази ходимлари, жамоатчилик асосида ишлайдиган турли-туман тугараклар, ташкилотлар, маҳаллалар ўртасидаги тарғибот ишларида фойдаланишлари мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Айматова Амина Кудратовича на тему: «Идейно-художественные основы эстетики Абдулхамида Чулпана» на соискание ученой степени кандидата философских наук по специальности 09.00.04 – Эстетика

Ключевые слова: Творчество Абдулхамида Чулпана, художественно-образная основа, художественное произведение, идея и структура, национальные ценности, объективные и субъективные факторы, национальная идеология, национальная идея, искусство и литература, национальные и общечеловеческие особенности, процесс художественного творчества, эстетическое переживание, стихи и рассказы, восточная и европейская эстетика, народность, национальное самосознание, духовное развитие.

Объекты исследования: Философское исследование эстетическо-художественных особенностей творчества Абдулхамида Чулпана.

Цель работы: Научно-теоретический анализ идейно-художественных основ творчества Абдулхамида Чулпана.

Методы исследования: логический и исторический, анализ и синтез, объективизация и субъективизация данных, сравнительный анализ, обобщение и конкретизация данных.

Полученные результаты и их новизна: Впервые на основе изучения идейно-художественных основ творчества Абдулхамида Чулпана выявлены национальная и общечеловеческая специфика, проведен научно-философский анализ мировоззрения Абдулхамида Чулпана. Раскрываются романтические представления Абдулхамида Чулпана и мастерство художника.

Практическая значимость: Результаты диссертационного исследования могут быть использованы в работе общественных организаций. Заключение и выводы могут быть использованы в деятельности кружков, объединений и махалли.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Итоги диссертационного исследования могут быть использованы в материалах лекций, семинаров в исследовательской работе, в средствах массовой информации, в лицеях и колледжах, в процессе изучения предметов “Эстетика”, гуманитарных предметов в системе высшего образования.

Область применения: Результаты диссертационного исследования могут быть использованы в учебно-преподавательской работе в школах, колледжах, лицеях, в высших учебных заведениях, и как научно-теоретическая основа дальнейших исследований, в пропагандистской работе сотрудников центра духовности и просвительства.

RESUME

Thesis of Aymatov Aminjan Kudratovich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philosophy on specialty 09.00.04 – Aesthetics, on the subject: “Ideological-artistic principles of aesthetics of Abdulhamid Chulpan”

Key words: creative work of Abdulhamid Chulpan, artistic-creative principles, artistic work, idea and structure principles, national value, objective and subjective factors, national ideology, national idea, art and literature, national and universal features, process of creative work, aesthetic anxiety, poems and stories, Eastern and European aesthetics, people, self-consciousness, spiritual advance.

Subjects of the inquiry: Philosophical investigation of aesthetic – artistic features of Abdulhamid Chulpan’s creative work.

Aim of the inquiry: scientific – theoretical analysis of ideological – artistic principles of Abdulhamid Chulpan’s creative work.

Methods of inquiry: logical and historical, analysis and synthesis, objectification and subjectification of facts, comparative analysis generalization and concretization of facts.

The results achieved and their novelty: first on the basis of study the ideological – artistic principles of Abdulhamid Chulpan’s creative work was revealed national and universal specificity, was tested scientific philosophical analysis of world outlook of Abdulhamid Chulpan. His romantic notions and skills of artist were revealed. Chulpan studied ideological – artistic features of spirituality of East and West, their correlation.

Practical value: The results of dissertation’s investigation can be used in the activity of study groups and mahalla.

Degree of embed and economic effectivity: Conclusions of dissertation can be used in lectures, seminars, in mass media, in colleges and lyceums, during the process of studying subjects of aesthetics, in higher institutions.

Sphere of usage: Results of dissertation can be used at schools in colleges, lyceums, in higher educational basis of further investigations, during the work at the centre of spirituality and enlightenment.